Шундай қилиб, сил коксити касаллиги яққол ўзгарган клиник-лаборатория ва рентгеномографик ўзгаришлар билан наъмоён бўлади, аммо ташҳисни асослаш мураккаблигича қолади. Чаноқ-сон бўғимининг сил касаллигида специфик жараёнлар бўғимдаги тотал ўзгаришлар ҳолатида наъмоён бўлади.

**Хулосалар:**

1. Чаноқ-сон бўғимининг сили иккиламчи зарарланган сил жараёни ҳисобланади.
2. Чаноқ-сон бўғими сили касаллигининг диагностикаси клиник-лаборатория, бактериологик ва рентгенологик маълумотларни таққослашга асосланган.
3. Ташҳисни аниқлаштириш учун биопсия ва бўғим пункцияси амалиётлари талаб қилинади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Васильев А.В. «Ўпкадан ташқари туберкулез: шифокорлар учун қўлланма»: // Фолиант. 2000. С.568.
2. Махмудова З.П., Назиров П.Х., Джураев Б.М. Эффективность реабилитационных мероприятий при эндопротезировании тазобедренного сустава больных с последствием туберкулезного коксита // Ўзбекистон тиббиёт журнали. – 2015. - №6. – С. 21-24.
3. Назиров П.Х. ва ҳаммуаллифлар. «Клинико-рентгенологическая характеристика туберкулёза костей и суставов у больных резистентными формами микобактерий». // Медицинский журнал Узбекистана. 2013 г. №3, с.30-33.
4. Сердобинцев М.С., Бердес А.И., с соавт. "Социально-медицинская эффективность репаративных операций при прогрессирующем туберкулезе тазобедренного сустава» // Журнал Проблемы туберкулеза и болезней легких. 2018 г. №12. С. 54.
5. Agashe, V. Osteoarticular tuberculosis - diagnostic solutions in a disease endemic region / V. Agashe, S. Shenai et al. // J. Infect. Dev. Crites. – 2009. - V. 3(7). - P. 511-516.
6. Göb A. «Surgical treatment of coxitis tuberculosa (author's transl)» // Z Orthop Ihre Grenzgeb. 1980;118(1):55-60.
7. Klein H1, Seeger J, Schleicher I. «Tuberculous coxitis: diagnostic problems and varieties of treatment: a case report». // Open Orthop J. 2019; 6: 445-8.
8. Kessler P. «Treatment of tuberculous coxitis with special reference to modern surgical therapy» // Z. Erkr. Atmungsorgane.1985;165(3):259-66.

**ЮЗ-ЖАҒ СОҲАСИ ТУҒМА АНОМАЛИЯЛАРИ БИЛАН ТУҒИЛГАН БОЛАЛАРДА ДЕФОРМАЦИЯЛАР РИВОЖИНИ КЛИНИК МЕЗОНЛАРИНИ ЎРГАНИШ****У. А. Фозилов**

Бухоро давлат тиббиёт институти, Бухоро, Ўзбекистон

**Таянч сўзлар:** ортодонтик даволаш, аномалия, лаб туғма кемтиклари, деформация.**Ключевые слова:** ортодонтическое лечение, аномалия, врожденная расщелина губы, деформация.**Key words:** orthodontic treatment, anomaly, congenital cleft lip, deformity.

Юз-жағ соҳасида учрайдиган бир гуруҳ ўсмалар, юз ва бўйин ҳамда тишларнинг ривожланиш нуксонлари каби патологик жараёнлар дисэмбриогенетик ўзгаришлар оқибатида юзага келади. Мезиал окклюзиялар намоён бўлишининг табиати ва ташқи хусусиятларидан катъий назар, уни даволаш талаб этилади. Мезиал окклюзиялар бемор овал юзнинг оғир деформацияларига, ҳолат, овқат ҳазм қилиш ва тез-тез бош оғриғи билан боғлиқ муаммоларга дуч келишидан шикоят қиладилар. Ушбу мақолада болаларда юз-жағ тизими клиник кўринишлари юқори лаб туғма кемтикларининг клиник манзараси ҳолатлари тавсифланади.

**ИЗУЧЕНИЕ КЛИНИЧЕСКИХ КРИТЕРИЙ РАЗВИТИЯ ДЕФОРМАЦИЙ У ДЕТЕЙ, РОЖДЕННЫХ С ВРОЖДЕННЫМИ АНОМАЛИЯМИ ЛИЦА И ЧЕЛЮСТИ****У. А. Фозилов**

Бухарский государственный медицинский институт, Бухара, Узбекистан

Такие патологические процессы, как группа опухолей челюстно-лицевой области, пороки развития лица и шеи, зубов обусловлены дизэмбриогенетическими изменениями. Независимо от характера и внешних особенностей проявления мезиальной окклюзии, ее лечение требуется. При мезиальном прикусе пациент жалуется на выраженные деформации овала лица, проблемы с осанкой, пищеварением и частые головные боли. В статье описана клиническая картина врожденных расщелин челюстно-лицевой системы у детей.

**STUDY OF THE CLINICAL CRITERIA OF THE DEVELOPMENT OF DEFORMATIONS IN CHILDREN BORN WITH CONGENITAL ANOMALIES OF THE FACE AND JAW****U. A. Fozilov**

Bukhara state medical institute, Bukhara, Uzbekistan

Pathological processes such as a group of tumors in the face-jaw area, developmental defects of the face and neck, and teeth are caused by dysembryogenetic changes. Regardless of the nature and external features of the manifestation of mesial occlusions, its treatment is required. With mesial occlusions, the patient complains of severe deformities of the oval face, problems with posture, digestion and frequent headaches. This article describes the clinical picture of congenital clefts of the maxillofacial system in children.

**АКТУАЛИГИ.** Ватандош ва хорижий тадқиқотчиларнинг охириги йиллар илмий манбалари шарҳи шуни кўрсатганки, туғма юз-жағ аномалиялари (ТЮЖА) билан касалланиш даражаси болаларнинг 50% ида, ўсмирлар ва катталарнинг 30% ида учрайди [1]. Сўнги ўн йилликда ўтказилган тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатганки, бу кўрсаткичнинг пасайиш тенденцияси ҳалигача кузатилмаяпти ва муаммонинг долзарблигини белгилаб турибди [3].

Болаларда ТЮЖА ва деформациялари тиш касалликлари орасида кариес ва пародонт касалликларидан кейин учинчи ўринда туради, уларнинг тарқалиши, охириги йиллар маълумотларига кўра, 11,4% дан 80% гачани ташкил қилган [3].

Муаллифнинг [5] таъкидлашича, болаларда ТЮЖАларининг келиб чиқишида туғма икки томонлама лаб ва танглай кемтиги 12-25% ҳолатни ташкил қилади ва бу тиш-жағ соҳаси патологияларининг оғир турига киради [4]. Болаларда ўрганилаётган аномалиялар частотаси ва тарқалишини ўрганиш замонавий стоматологияда долзарб муаммолардан биридир [6]. Ушбу аномалия билан 1000 та янги туғилган чақалоқдан битта бола туғилади, бу сайёрамиз аҳолисининг тахминан 0,04% ни ташкил қилади [5]. Болаларда тиш-жағ тизими аномалияларининг келиб чиқишида туғма икки томонлама лаб ва танглай кемтиги 12-25% ҳолатларни ташкил қилади ва бу тиш-жағ соҳасининг патологияларининг оғир турига киради [4]. Болаларда тиш-жағ тизими аномалияларининг частотаси ва тарқалишини ўрганиш замонавий стоматологияда долзарб муаммолардан биридир [7]. Ушбу аномалия билан 1000 та янги туғилган чақалоқдан битта бола туғилади, бу сайёрамиз аҳолисининг тахминан 0,04% ни ташкил қилади [2].

Болаларда тиш – жағ тизими аномалиялари ортодонтик касалликлар учраш частотаси бўйича иккинчи ўринда туради ва юз-жағ соҳасининг энг оғир морфофункционал ўзгари-

шлардан ҳисобланади. Тиш–жағ тизими аномалиялари бўлган болалар мураккаб, узоқ муддатли ва тизимли даволанишга муҳтож, улар умр бўйи диспансерда рўйхатга олинishi керак [3].

Тиш–жағ тизими аномалиялари бемор болаларда ҳаёт сифатига сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Тиш–жағ тизими аномалиялари ва деформациялари билан оғриган болаларни комплекс реабилитация қилиш, психологик-педагогик хизматнинг кейинги фаолияти самарадорлигини ошириш учун ҳаётнинг биринчи кунларидан бошлаб, ҳаётини функцияларни тиклаш учун индивидуал дастурни режалаштириш, нафас олиш, сўриш, ютиш ҳамда чайнов самарадорлик ҳолатини тиклаш [8]. Юз–жағ соҳаси нуқсонлари билан оғриган болаларда ҳаётнинг биринчи кунларидан бошлаб, болалар учун эрта ортодонтик даволанишни ўтказиш операциядан олдинги даврда тайёргарлик бўғини бўлиб, у кейинги жарроҳлик аралашуви учун қулай шарт-шароитларни яратишга қаратилган. Эрта ортодонтик даволаш муолажалари оғиз бўшлиғи ва бурун бўшлиғини ажратиш, иккиламчи деформациялар ривожланишининг олдини олиш ҳамда овқатланиш жараёнини нормаллаштириш учун мақсадга мувофиқдир [7].

**Тадқиқот мақсади.** Текширув олиб борилаётган бемор болаларда юз-жағ тизими клиник кўринишлари юқори лаб туғма кемтикларининг клиник манзараси анатомик ва функционал ўзгаришлар даражасига боғлиқлиги ўрганилди.

**Тадқиқот материали ва методи.** Тадқиқот иши Бухоро вилоят болалар ихтисослаштирилган стоматология маркази 4,5 ёшдан 18 ёшгача бўлган тиш – жағ тизими аномалия ва деформациялари билан мурожат қилган 440 нафар ортодонтик беморлар олинди. Бухоро давлат тиббиёт институти илмий кенгаши томонидан 25.02.2022 йилдаги № 8 Баённомаси билан тасдиқланган, “Ортодонтик беморлар касаллик тарихи варақаси” ёрдамида объектив ва субъектив сўровлар, антропометрик, рентгенологик текширишлар ўтказилди. Ортодонтик бемор болалар ёши, жинси, текширув ва даволаш услубларига қараб гуруҳларга бўлинди (1-жадвал).

Текширув ўтказилган биринчи гуруҳ беморларимиз 4,5 ёшдан 13 ёшгача бўлган 23 нафарни ташкил этиб, Юқори жағнинг протрузияси ва юқори жағнинг трансверзал йўналишда торайган ташҳиси билан даволанаётган беморлар клиник-функционал, антропометрик, оғиз бўшлиғи гигиеник индекси текширилиб, комплекс даволаш усуллари олиб борилди.

**Тадқиқот натижалари.** Тадқиқотда қатнашаётган беморлар кемтиклари симметриклиги, иккала томонда ҳам Пб даражаси, юқори лабнинг икки томонлама Пб даражали бўлиши туғма нуқсони, деб ташҳисланди. Шунингдек, баъзи бемор болаларда нуқсон чап томонда бурун даҳлизига давом этган, ўнг томонда эса, лабнинг 1/3 қисмида бўлганда, ташҳисда ҳар томондаги нуқсон даражаси алоҳида қайд этилди. Бундай беморларга ташҳис, “Юқори лабнинг, ўнг томонлама Па ва чап томонлама Ша даражадаги туғма нуқсони” билан ташҳис қўйилди.


Текширув ўтказилаётган беморларда танглай нуқсонлари гуруҳланиши куйидагича

1 жадвал.

Текширув ўтказилган беморларнинг гуруҳлараро текшурув ва даволаш динамикаси.

Гуруҳлар	Ёши	Текширув усуллари	Даволаш услуби
I n-23	4.5 - 13	Клиник - функционал, антропометрик кўрсаткичлар.	Ташҳиси: Юқори жағнинг протрузияси Комплекс даво (Патент №1)
II n-27	4.5 - 13	Клиник - функционал, антропометрик кўрсаткичлар.	Ташҳиси: Юқори жағнинг тотал торайиши Комплекс даво (Патент № 2)
III n-124	4.5 - 13	Клиник - функционал, антропометрик кўрсаткичлар.	Ананавий (Олиб қўйиладиган пластинка базисли ортодонтик аппаратлар, миогимнастика машқлари)
IV А n-95	13-18	Клиник - функционал, антропометрик кўрсаткичлар.	Комплекс (Брект системаси, Кўп букилмали петлили техника)
IV Б 171	13-18	Клиник - функционал, антропометрик, кўрсаткичлар.	Ананавий тўғри дуга техникаси

Изоҳ: Текширувда даволаш динамикаси 4 хил усулда ўтказилди.



1 расм. Юз-жағ тизими туғма нуқсонли болаларнинг клиник кўринишлари.

амалга оширилди: 1а–тилчанинг яширин нуқсони; 1б–тилчанинг тўлиқ яққол нуқсони; 2а–тилча ва юмшоқ танглайнинг нуқсони; 2б–тилча, юмшоқ танглай ва қаттиқ танглайнинг 1/3 қисмигача бўлган нуқсони; 3а–тилча, юмшоқ танглай ва қаттиқ танглайнинг ½ қисмигача бўлган нуқсони; 3б –тилча, юмшоқ ва қаттиқ танглайнинг тўлиқ нуқсони.

Текширув олиб борилган беморларда ота-онаси сўров натижалари асосида онтогенезининг хавфли омиллари қуйидаги ҳолатлари аниқланди: уруғланиш; имплантация (эмбриогенезнинг 7-8 кунлари); хомиланинг асосий орган ва ёйларининг ривожланиш даври (3-8-ҳафта); бош мия ривожланиш даври (15-20-ҳафта); хомиланинг асосий аъзо ва тизимлар ривожланиши (20-24-ҳафталар); туғилишдаги патологик жараёнлар; 1 ёшгача бўлган давр; балоғатга етиш даври 11-16 ёшлардаги патологик ҳолатлар билан ифодаланди.

Юз-жағ соҳаси туғма нуқсонлари Бухоро вилояти ҳудудида туғилган чақалоқларда 2020-2022 йиллар учраш кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар 2-жадвалда келтирилган.

Юз-жағ тизими туғма нуқсонлари келтириб чиқарувчи этиологик омиллар қуйидагилар ҳисобланади - аёл жинсий ҳужайрасининг ҳаддан ошиқ етилиши, моддалар алмашинуви бузилиши, гипоксия, она қонидаги захарли токсик моддалар (дори воситалари, наркотик препаратлар, никотин, алкоголь, вирус ва инфекция) кабилар шулар жумласидандир.

**2 жадвал.**

**Бухоро вилояти бўйича 2020-2022 йиллардаги юз-жағ соҳаси нуқсони билан туғилган чақалоқлар кўрсаткичлари.**

Йиллар	Туғилган чақалоқлар умумий сони	Юз-жағ нуқсони билан туғилган чақалоқлар сони
2020	41436	41
2021	40271	55
2022	43820	14


Ҳомиладорликда тана ҳароратининг меъёрда бўлиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Она ҳомиладорлигида тана ҳароратининг кўтарилиши ҳомила нуқсон билан туғилишига олиб келувчи сабаблардан биридир. Бундан ташқари рентген нурлар: ҳужайра мутациясига сабаб бўлиши мумкин, ёш ва нозик ҳужайралар рентген ва радиацион нурлари таъсирида ҳам кузатилиши аниқланди. Текширув натижалари таҳлилари шуни кўрсатдики, аномалиялар 20% ген мутацияси, 10% хромосома мутацияси, қолганлари эса экзоген омил таъсири орқали юзага келганлиги билан ифодаланди.

Ҳомиладор аёлдаги оғир кечувчи токсикозлар, анемия, юрак қон-томир тизимидаги патологик ўзгаришлар ва бошқа экстрагенитал касалликлар тўқимада дистрофик ўзгаришлар чақириши баробарида плацентар мембрана кислород алмашинувини бузиб бевосита ҳомила гипоксиясига сабаб бўлиши ҳам ўрганилди. Алиментар омиллар - бу омил ҳам ўз навбатида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ҳомиладор аёл парҳезига боғлиқ ҳисобланади. Парҳез таомда асосий озикланиш микроэлементлари етишмаслиги, тўйиб овқатланмаслик

шулар жумласидандир. Бу ўзгаришлар енгил кечишидан то оғир кечишгача бўлиб, ҳомиланинг ўлик туғилишигача сабаблари аниқланди. Айрим ҳолатларда 66% аёлларда сўров ўтказилганда ҳомиладорлик даврида дори моддаларини қабул қилганини айтган (1- ва 2-расм).



А.



Б.

2-расм. Икки томонлама юқори лаб, альвеоляр ўсиқ ва тўлиқ танглай нуқсони (бемор 1 ёш. А-обтуратор қўллашдан олдинги ҳолат Б-обтуратор бемор оғзига қўйилган жараёни).



3-расм. Туғма икки томонлама лаб ва тўлиқ танглай нуқсони (бемор 1 ёш, Фролов шакли)

Анатомик ва функционал ўзгаришлар даражасидан қатъий назар, юқори лаб туғма кемтикларига хос уч белги доим мавжудлиги аниқланди: оғиз айлана мушаги бутунлигининг ҳар хил даражада бузилиши; кемтик мавжуд томонда лаб баландлигининг қисқариши; бурун қаноти шаклининг ҳар хил даражада бузилиши.

Юқори лаб қизил ҳошияси “яширин” (Ia) туғма кемтигида, шу соҳа оғиз айлана мушаги қатлами яхши ривожланмаган бўлиб, тери ва шиллик парда яхлитлиги эса сақланганлиги кузатилди. Юқори лабнинг (Iб, Iа, IIб) даражадаги туғма кемтигида, оғиз айлана мушагининг пастки қисми бирикмаганлиги туфайли кемтик юзага келганлиги баҳоланди. Кемтиkning устидаги тери ва шиллик парда, кемтик чўққисига тортилиб қолиши, бурун асосида сақланиб қолган оғиз айлана мушагининг толалари, устидаги тери билан бирга энсиз белбоғсифатида лаб бўлақларини бирлаштириб туриши, юқори лабнинг IIIа даражадаги туғма кемтиги, бурун дахлизигача давом этиб, оғиз айлана мушаги тўлиқ ажралган ҳолатда бўлиши, юқори лабни IIIб даражадаги кемтигида, оғиз айлана мушаги тўлиқ ажралган ва альвеоляр ўсиқ ҳам турли даражада бирикмай

қолганлиги, кемтик четлари юқорига, бурун туби томон тортилиши, юқори лабнинг икки томонлама туғма кемтикларида лаб уч - икки ён ва марказий (ўрта) бўлақларга ажралиши, кемтик иккала томонда бир хил (симметрик) ёки ҳар хил (асимметрик) даражаларда ифодаланган белгилари тадқиқот давомида ўрганилди.

**Хулоса.** Текширув олиб борилган бемор болаларда туғма нуқсонларнинг келиб чиқишида экзоген ва эндоген омилларнинг таъсири она ва ҳомиланининг уларга нисбатан генетик ва биологик жиҳатдан юқори даражада мойиллиги билан баҳоланди. Туғма нуқсонлардан қатъи назар, туғма нуқсонлар ташқи белгилари билан бир-биридан фарқи ўрганилди.

Юз ва тиш-жағ тизими тезкор ўсиш даврларида эрта функционал ва морфологик норма деб талқин қилинган ҳолатининг бузилишлари эрта аниқланганда ҳамда профилактик тадбирлар эрта бошланганда деформациялар олдини олинади.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Иноятов А.Ш. Юз-жағ соҳаси туғма нуқсонлари ривожланишхавфининг экологик, клиник-иммунологик омиллари ва уларнинг олдини олиш // Диссертация иши – 2016. – Тошкент – 23-24 бетлар.
2. Куркин А. В., Тулеутаева С. Т., Куриленко Н. Ю. Цитограмма буккального эпителия в начальный период ортодонтического лечения аномалий зубочелюстной системы у детей // Медицина и экология. – 2015. – №. 4 (77). – С. 57-60
3. Мирзарахимова К. Р., Нурмаматова К. Ч., Абдашимов З. Б. Изучение статистики врожденных аномалий // Вестник науки. – 2019. – Т. 4. – №. 12 (21). – С. 207-214.
4. Олесов Е. Е. и др. Результативность устранения зубочелюстных аномалий у детей младшего школьного возраста // Медицина экстремальных ситуаций. – 2020. – Т. 22. – №. 2. – С. 170-178.
5. Перова Е. Г., Левенец А. А., Россиев Д. А. Сравнительный анализ распространенности зубочелюстных аномалий и деформаций у детей и подростков с различным состоянием опорно-двигательного аппарата в возрастном аспекте // Сибирское медицинское обозрение. – 2011. – Т. 68. – №. 2. – С. 61-65.
6. Поштару К. Г., Панкратова Н. В., Постников М. А. Характер головной боли напряженного типа у детей с зубочелюстными аномалиями // Вестник медицинского института «Реавиз»: реабилитация, врач и здоровье. – 2018. – №. 4 (34). – С. 52-60.
7. Самедов Ф. В. и др. Структура и распространенность зубочелюстных аномалий и деформаций у лиц подросткового возраста с наследственно обусловленной патологией // Медицинский алфавит. – 2021. – №. 35. – С. 22-31.
8. Силин А. В., Кирсанова Е. В., Медведева Е. Ю. Влияние исходного пародонтологического статуса на выбор плана ортодонтического лечения у взрослых пациентов с зубочелюстными аномалиями // Институт стоматологии. – 2011. – №. 4. – С. 37-39.

## OG'IRLASHGAN AKUSHERLIK ANAMNEZIGA EGA ONALARDAN TUG'ILGAN CHAQALOQLARDA ASAB TIZIMI VA BUYRAKLAR ZARARLANISHINING XUSUSIYATLARI

M. I. Xazratqulova, H. O. Ziyodullayeva

Samarqand davlat tibbiyot universiteti, Samarqand, O'zbekiston

**Tayanch so'zlar:** og'irlashgan akusherlik anamnezi, chaqaloqlar, ultratovush tekshiruv.

**Ключевые слова:** осложненный акушерский анамнез, дети, ультразвуковое исследование.

**Key words:** complicated obstetric anamnesis, babies, ultrasound examination.

Samarqand viloyati perinatal markazi va Samarqand shahridagi 1-son tug'ruq majmuasida 2022-2023-yillarda tug'ilgan 50 nafar yangi tug'ilgan chaqaloqlar tekshirilib, homiladorlik anamnezi og'ir o'tgan onalardan tug'ilgan 30 nafar bemor chaqaloqlar, hamda sog'lom onalardan tug'ilgan 20 nafar chaqaloqlar tekshiruv natijalari o'rganildi. Tekshiruv davomida chaqaloqning umumiy qon tahlili, umumiy siydik tahlili, bosh miya va buyraklarining ultratovush tekshiruv o'tkazildi.

## ОСОБЕННОСТИ ПОРАЖЕНИЯ НЕРВНОЙ СИСТЕМЫ И ПОЧЕК У НОВОРОЖДЕННЫХ, РОЖДЕННЫХ ОТ МАТЕРЕЙ С ОТЯГОЩЕННЫМ АКУШЕРСКИМ АНАМНЕЗОМ

M. I. Xazratqulova, H. O. Ziyodullayeva

Самаркандский государственный медицинский университет, Самарканд, Узбекистан

Обследовано 50 новорожденных, родившихся в 2022-2023 годах в перинатальном центре Самаркандской области и родильном комплексе №1 города Самарканда, 30 больных детей, рожденных от матерей с отягощенным акушерским анамнезом, и 20 новорожденных от здоровых матерей. Проводили обследование; общий анализ крови, общий анализ мочи, ультразвуковое исследование головного мозга и почек.

## CHARACTERISTICS OF NERVOUS SYSTEM AND KIDNEY DAMAGE IN INFANTS BORN TO MOTHERS WITH COMPLICATED OBSTETRICAL HISTORY

M. I. Hazratkulova, H. O. Ziyodullayeva

Samarkand state medical university, Samarkand, Uzbekistan

In 2022-2023 years 50 newborns were examined, all of them were born in the perinatal center of the Samarkand region in maternity complex No. 1, so it was studied 30 sick babies born to mothers with a difficult history of pregnancy, and 20 babies born to healthy mothers. Moreover, during the examination, a general blood analysis, a general urine analysis, and an ultrasound examination of the baby were performed.

**Kirish.** Chaqaloqlarning tug'ilgandan so'ng hayotga nisbatan yashovchanlik qobiliyati va moslashishi onasining homiladorlik davri kechishi bilan uzviy bog'liqdir. Og'irlashgan akusherlik anamneziga ega onalardan tug'ilgan chaqaloqlarning yashovchanlik qobiliyati homiladorligi yaxshi o'tgan ayollardan tug'ilgan chaqaloqlar bilan tafovuti kattadir. Homiladorlikni og'irlashtiruvchi sabablarga quyidagilar kiradi: 1. Onaning ekstragenital kasalliklari neyrosirkulyator distoniya, qalqonsimon bez kasalliklari, semizlik, qandli diabet, bronxial astma, anemiya, yurak ritmining buzilishi; 2. Bachadon-yo'ldosh orasida qon aylanishining buzilishi (onadagi gipertenziya yoki arterial gipotenziya). va homila ichi infeksiyalayalaridan (TORCH infeksiyasi) ayniqsa birlamchi sitomegalovirus infeksiyasi bilan zararlanganda [1,2,7]; 3. Homila- yo'ldosh qon aylanishining buzilishi (yo'ldoshining vaqtidan oldin ko'chishi, homila bo'yin yoki tana atrofi buylab kindik tizimchasining o'ralishi, chin tugunlar) [2,4] va yomon odatlar (chekish, spirtli ichimliklar iste'mol qilish) kabi holatlar kiradi. Og'ir kechgan homiladorlik ko'pincha erta va kechki neonatal davrning asoratlanishi bilan cheklanmasdan ilk bolalalik davrlarida psixomotor va nutq rivojlanishidagi kechikishlar, bolalar serebral falaji, rivojlanishdan orqada qolish, nafas va siydik yo'llarining takroriy yallig'lanish kasalliklaridan shikoyat qilishlari mumkin [1,3,5].

**Tadqiqot maqsadi:** og'irlashgan akusherlik anamneziga ega onalardan tug'ilgan chaqaloqlarda asab tizimi va buyraklar zararlanishining xususiyatlarini o'rganish.

**Tadqiqot materiallari va usullari:** Tekshirish obyektimiz Samarqand shahridagi viloyat Perinatal markazi hamda 1-son tug'ruq majmuasida 2022-2023-yillarda tug'ilgan 50 nafar muddatida tug'ilgan chaqaloqlar bo'lib, ularni anamnezi, laborator tahlillari va instrumental tekshiruvlari kiradi. Chaqaloqlar ikki guruhga asosiy va sog'lom guruhlariga bo'lib o'rganildi. Asosiy guruhga og'irlashgan akusherlik anamnez aniqlangan onalardan muddatida tug'ilgan 30 nafar chaqaloqlar va homiladorligi asoratlanmasdan o'tgan ayollarda tug'ilgan sog'lom 20 nafar

chaqaloqlarni tashkil etdi. Chaqaloqlarining anamnezi, klinikasi va laborator instrumental tekshiruv natijasi o'rganildi.

Kuzatilgan chaqaloqlar onalarining homiladorlik anamnezi o'rganildi. Chaqaloqlar laborator tahlillari "SMART DOKTOR" xususiy klinikasida: umumiy qon tahlili Mindray BS-5000 apparatida, qon biokimyoviy tahlili-Mindray BS-380 apparati orqali kuzatilib, umumiy siydik tahlili qilindi. Instrumental tekshiruv ishlari SamDTU-ning Ko'p tarmoqli klinikasining diagnostika bo'limida ultratovush tekshiruvi(UTT): neyrosonografiya, buyraklari tekshirilib tahlil qilindi.

**Tadqiqot natija va muhokamasi:** Asosiy guruh onalarning homiladorlik davrida og'irlashgan akusherlik anamnezi aniqlangan tug'ruqdan bo'lib, bu guruh chaqaloqlarda Apgar shkalasi bo'yicha sog'lom chaqaloqlar guruhiga qaraganda past (2-5 ball) baholar bilan tug'ildi, chaqaloqlar moslashish davrida emishning sustligi, tashqi ta'sirlarga sust javob berishi, bezovtalik, nafas buzilish sindromi, har xil darajadagi n=9 (30%), talvasa sindromi 8 (26.6%), sariqlik uzoq vaqtgacha cho'zilishi n=10 (30%)ida kuzatildi va klinikasida bilirubinning oshishi uzoq vaqtgacha davo muolajalariga qaramasdan baland bo'lishi kuzatildi. Sog'lom guruhda bu klinik ko'rsatkichlar uchramadi. Laborator tahlillardan umumiy qon tahlilida asosiy guruhda leykositlar  $13,02 \pm 1,12 / l$  baland bo'lganligi, gemoglobinning  $111,93 \pm 2,84$  g/l pastligi aniqlandi (1-jadval) qonning qolgan tarkibiy qismlarida sezilarli patologik o'zgarishlar aniqlanmadi.

1 jadval.

Chaqaloqlarning tug'ruqxonada umumiy qon tahlili(Mm) ko'rsatkichlari.

№	Ko'rsatkichlar	Asosiy chaqaloqlar guruhi (n=30)	Sog'lom chaqaloqlar guruhi (n=20)	P
1	Leykositlar, $10^9/l$	$13,02 \pm 1,12$	$8,12 \pm 1,12$	$<0,001$
2	Neytrofillar, %	$53,83 \pm 3,19$	$50,36 \pm 2,46$	$>0,5$
3	Limfositlar, %	$37,33 \pm 3,7$	$34,1 \pm 3,23$	$>0,5$
4	Monositlar, %	$10,28 \pm 1,02$	$9,23 \pm 0,72$	$>0,2$
5	Eozinofillar, %	$1,15 \pm 0,24$	$1,61 \pm 0,25$	$>0,1$
6	Bazofillar, %	$0,18 \pm 0,03$	$0,11 \pm 0,03$	$>0,1$
7	Gemoglobin, g/l	$111,93 \pm 2,84$	$122,55 \pm 2,74$	$<0,01$
8	Trombositlar, $10^9/l$	$221,79 \pm 9,46$	$271,7 \pm 18,$	$<0,05$
9	Eritrositlar cho'kish tezligi, mm/s	$4,2 \pm 0,61$	$3,08 \pm 0,42$	$>0,1$

Izoh: p – chaqaloq guruhlar orasidagi ko'rsatkichlar farqlarining ishonchliligi.

Qon biokimyoviy tarkibi tahlil qilinganda qon guruhlar mos kelishiga qaramasdan umumiy bilirubin miqdori  $67,55 \pm 4,37$  mkmol/l, mochevina  $7,17 \pm 1,14$  mmol/l, kreatinin  $109,67 \pm 24,82$  mkmol/l va azot qoldig'i asosiy guruhda oshganligi (2-jadval) aniqlandi.

Chaqaloqlar umumiy siydik tahlili tug'ruqxonada yig'ib olingan siydik hisoblanib, unda esa asosiy guruhda leykositlar o'rtacha  $14,71 \pm 3,93$  ko'ruv maydonida, oqsillar, epiteliylarning qisman eritrositlarning sog'lom guruhga nisbatan balandligi aniqlandi, siydik yo'llari kasalliklari muammolari bo'lgan chaqaloqlarning onalari anamnezida SMVI borligi aniqlandi. Bu esa chaqaloq buyrak nefronlarining SMVI ta'sirida zararlanib yallig'lanish belgisidir. II guruh chaqaloqlarda esa shu ko'rsatkichlar olingan siydik tahlillarda fiziologik holat normalaridan yuqori emasligi (3-

2 jadval.

Chaqaloqlar qon biokimyoviy tahlili ko'rsatkichlari (Mm).

№	Ko'rsatkichlar	Asosiy chaqaloqlar guruhi (n=30)	Sog'lom chaqaloqlar guruhi (n=20)	P
1	Azot qoldig'i mmol/l	$23,15 \pm 2,44$	$17,85 \pm 0,53$	$<0,05$
2	Mochevina mmol/l	$7,17 \pm 1,14$	$4,14 \pm 0,20$	$<0,05$
3	Kreatinin mkmol/l	$109,67 \pm 24,8$	$46,23 \pm 1,83$	$<0,05$
4	Siydik kislotasi mmol/l	$271,8 \pm 79,02$	$3,82 \pm 0,15$	$<0,01$
5	Ishqoriy fosfataza ED	$302,5 \pm 0,87$	$263,33 \pm 7,33$	$<0,001$
6	ALT ED/l	$36,44 \pm 2,0$	$22,73 \pm 0,78$	$<0,001$
7	AST ED/l	$77,84 \pm 7,1$	$42,45 \pm 1,58$	$<0,001$
8	Umumiy bilirubin miqdori mkmol/l	$67,55 \pm 4,3$	$51,09 \pm 2,3$	$<0,01$
9	Bevosita bog'langan bilirubin mkmol/l	$4,79 \pm 0,36$	$6,39 \pm 1,18$	$>0,1$
10	Bilvosita bog'lanmagan bilirubin mkmol/l	$62,74 \pm 4,0$	$58,08 \pm 8,38$	$>0,5$

Izoh: p – asosiy va sog'lom guruhlar bolalarining o'rtasidagi ko'rsatkichlar farqlarining ishonchliligi

3 jadval.

**Tekshirilgan chaqaloqlarning tug‘ruqxona sharoitida yig‘ilgan siydik tahlilining ko‘rsatkichlari (M±m)**

№	Ko‘rsatkichlar	Asosiy chaqaloqlar guruhi (n=30)	Sog‘lom chaqaloqlar guruhi (n=20)	P
1	Leykositlar ko‘ruv maydonida	14,71±3,93	2,9±0,56	<0,01
2	Oqsillar g/l	0,12±0,03	0,01±0,01	<0,001
3	Zichligi 1,012-1,022	1,018±0	1,018±0	>0,5
4	Epiteliylar ko‘ruv maydonida	5,38±1,32	0,7±0,25	<0,001
5	Eritrositlar ko‘ruv maydonida	2,35±0,78	0,45±0,15	<0,05
6	Silindirlar ko‘ruv maydonida	0,47±0,22	0,21±0,10	>0,2

Izoh: p – asosiy va sog‘lom guruhlar bolalarining o‘rtasidagi ko‘rsatkichlar farqlarning ishonchligi.

jadval) aniqlandi.

Neyrosonografiya va buyrak ultratovush tekshirishlari tahlil qilinganda asosiy guruhda bazal va periventrikulyar zonalarda gipoksik-ishemik entsefalopatiya (GIE) o‘zgarishlari 12 nafarida, ventrikulomegaliya 6 nafarida, bosh miya ichi qon quyilishlari 4 nafarida, mezistesiya 1 nafarida, 11 nafarida o‘zgarishsiz holatlar aniqlandi. II guruh chaqaloqlarda esa tug‘ruqxonadagi moslashish davri oson kechdi va yuqoridagi muammolardan faqatgina UTT tekshiruvida bazal va periventrikulyar zonalarda GIE o‘zgarishlari 4 nafarida, ventrikulomegaliya 1 nafarida aniqlanib, qolgan chaqaloqlar sog‘ligida o‘zgarishlar kuzatilmadi. Buyraklar UTT-da quyidagi 4-jadvalda keltirilgan. Unga ko‘ra asosiy guruhda oq buyrak sindromi 7 nafar va gidronefroz kasalligi bilan 2 nafar chaqaloqlar aniqlandi, qolgan chaqaloqlar tekshirilganda o‘zgarishlar aniqlanmadi. Sog‘lom chaqaloqlar guruhida esa tug‘ruqxonadagi moslashish davri oson kechdi va yuqoridagi muammolardan faqatgina UT tekshiruvida oq buyrak 1 nafarida aniqlanib va qayta 1 oyligidagi ko‘rikda bu patologik o‘zgarishlar yo‘qoldi.

2 jadval.

**Chaqaloqlar bosh miya neyrosonografiyasi tahlil ko‘rsatkichlari.**

№	Kasalliklar nomi	Asosiy chaqaloqlar guruhi(n=30)	Sog‘lom chaqaloqlar guruhi (n=20)
1	Bazal va periventrikulyar zonalarda GIE o‘zgarishlari	12 (40%)	4 (20%)
2	Ventrikulomegaliya	6 (20%)	1 (5%)
3	Bosh miya ichi qon quyilishlari	4 (13,3%)	0 (0%)
4	Mezistesiya	1 (3.3%)	0 (0%)
5	O‘zgarishsiz	7 (23.3%)	15 (75%)
№	Tekshirilgan yangi tug‘ilgan chaqaloqlar buyraklar ultratovush tekshiruvi natijalari		
1	Oq buyrak sindromi	7 (23.3%)	1 (5%)
2	Gidronefroz	3 (10%)	0
3	Siydik kislotasi diatezi	2 (6.6%)	0
4	O‘zgarishsiz	18 (60%)	19 (95%)

Tug‘ruqxona sharoitida asosiy guruh chaqaloqlardan 18 nafariga markaziy asab tizimining perinatal zararlanishi tashxisi qo‘yilgan bo‘lib, shundan 11 nafarida qo‘zg‘alish sindromi, 8 nafarida talvasa sindromi tashxisi bilan davo muolajalarini olgan. Og‘irlashgan akusherlik anamneziga ega onalardan tug‘ilgan chaqaloqlarda nafas yo‘llari va hazm qilish tizimi muammolari nazorat guruhiga nisbatan ikki barobar ko‘p uchradi. Asab tizimi muammolari (bezovtalik, talvasa, oyoqni erta tuta olmaslik, tashqi ta’sirlarga reaksiyasining sust javob berishi kabi shikoyatlar) nazorat guruhidan foizi baland ekanligi kuzatuv tahlillaridan aniqlandi. Siydik yo‘llari zararlanishi hamda fiziologik sariqlikning cho‘zilishi sog‘lom guruhlariga qaraganda 8 barobar yuqori ekanligi kuzatildi.

**Xulosa:** og‘irlashgan akusherlik anamneziga ega ayollardan tug‘ilgan chaqaloqlar asfeksiya bilan tug‘ilish foizi balandligi, onasida sitomegalovirus infeksiyasi bor onalardan tug‘ilgan chaqaloqlarda siydik ajratish tizimi muammolari kuzatilishi aniqlandi va surunkali homila ichi gipoksiyasi kuzatilgan ayollardan tug‘ilgan chaqaloqlarda asab tizimi bilan bog‘liq asoratlar paydo bo‘lganligi kuzatildi.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Барычева Л.Ю., Голубева М.В., Кобулова М.А., Косторная И.В. Клинические и морфологические особенности пороков развития у детей с врожденными цитомегаловирусной и токсоплазменной инфекциями. Российский вестник приматологии и педиатрии №3.2015.
2. Дильмурадова К.Р. и Зиядуллаева Х.О., Состояние системы гемостаза и эндотелия сосудов при перинатальных поражениях нервной системы. Проблемы Биологии и Медицины.2022. №5(139) -с.315-322.
3. Дьячук Е. В. Клинико-лабораторная характеристика цитомегаловирусной инфекции у беременных и детей первого года жизни: ГБОУ ВГТО - Санкт-Петербург, 2012.
4. Кириличев О.К., Кибирова А.И., Каширская Е.И. Современное состояние проблемы цитомегаловирусной инфекции у новорожденных Астраханский медицинский журнал. - 2015. - №2. – С. 6-17.
5. Кочкина С.С., Ситникова Е.П., Особенности цитомегаловирусной инфекции: обзор литературы. Педиатрия. № 6 (123), 2016. Стр.1-12.
6. Никольская И.Г., Прокопенко Е.И., Новикова С.В., Будыкина Т.С., Кокаровцева С.Н., Якубина А.А., Крупская М.С. Осложнения и исходы беременности при хронической почечной недостаточности Альманах клинической медицины. 2015 Март; 37: 52–69.

DOI: 10.38095/2181-466X-20231124-64-67

УДК 617.51-003.215, 616-001.31, 617-089.844

**ЧАҚОЛОҚЛАРДАГИ КЕФАЛОГЕМАТОМАЛАРНИНГ ЭТИОЛОГИЯСИ, КЛИНИК  
МАНЗАРАСИ, ДИАГНОСТИКА ВА ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ****А. Ш. Шодиев, М. А. Алиев, Н. А. Муҳаммадов, Ш. Д. Ражабов**

Самарқанд давлат тиббиёт университети, Самарқанд, Ўзбекистон

**Таянч сўзлар:** кефалогематомалар, туғруқ травмаси, перинатал гипоксик энцефалопатия, чақалоқлар нейрохирургияси.

**Ключевые слова:** кефалогематомы, родовая травма, перинатальная гипоксическая энцефалопатия, нейрохирургия новорожденных.

**Key words:** cephalohematoma, birth injury, perinatal hypoxic encephalopathy, neurosurgery of newborns.

Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармокли клиникасининг нейрохирургия бўлимида 2020-2023 йиллар давомида кефалогематома касаллиги билан даволанган 60 чақалоқда касалликни юзага келтирувчи омиллар, клиник кечиши, диагностика ва даволаш хусусиятлари ўрганилди. Кефалогематомаларнинг вужудга келишида ҳомиладор онада мавжуд бўлган экстрагенитал касалликлар, туғруқ жараёнидаги зўриқиш, давомли кучаниш, вакуум-экстрактор, кесар-кесиш операцияси қўлланилиши сабаб бўлиши мумкин. Клиник-неврологик текширувларда чақалоқларда умумий бош мия ва ўчоқли симптомлар аниқланмади, уларга ташхис қўйишда нейросонография, краниография ва бош миянинг мультиспирал компьютер томографияларидан фойдаланилди. Даволаш мақсадида суяк усти пардаси остидаги суяк гематома тиббиёт шприци воситасида эвакуация қилинди, қуюқлашган гематомани эса терини кесиб олинди, оссификациялашган вазиятларда кефалогематоманинг суякклашган қавати суяк қайчилари ёрдамида кесиб олиб ташланди.

**ЭТИОЛОГИЯ, КЛИНИЧЕСКОЕ ТЕЧЕНИЕ, ДИАГНОСТИКА И МЕТОДЫ ЛЕЧЕНИЯ  
КЕФАЛОГЕМАТОМ У НОВОРОЖДЕННЫХ****А. Ш. Шодиев, М. А. Алиев, Н. А. Муҳаммадов, Ш. Д. Ражабов**

Самарқандский государственный медицинский университет, Самарқанд, Ўзбекистон

Изучены факторы риска возникновения, клинические особенности, диагностики и лечения кефалогематом у 60 больных детей, пролеченных в отделении нейрохирургии Многопрофильной клиники Самарқандского государственного медицинского университета в период 2020-2023 гг. Основными причинами образования кефалогематом являлись длительность натужного периода родов, применение в родах вакуум-экстрактора, кесарева сечения и наличие экстрагенитальной патологии у матерей. В клиническом течении у больных с кефалогематомами грубых очаговых, общемозговых симптомов не отмечалось. Для диагностики кефалогематом применялись нейросонография, краниография и мультиспиральная компьютерная томография. Основными методами лечения кефалогематом являлись одно- или неоднократное отсасывание (пункционная аспирация) поднадкостничной жидкой гематомы и удаление сгустков гематомы путем рассечения кожи и мягких покровов, а при оссифицированных гематомах проводилась операция удаления гематом с наружной оссифицированной пластиной.

**ETIOLOGY, CLINICAL VIEW, DIAGNOSTICS AND TREATMENT METHODS  
OF CEPHALOHEMATOMAS IN NEWBORN****A. Sh. Shodiev, M. A. Aliyev, N. A. Muammadov, Sh. D. Razhobov**

Samarkand state medical university, Samarkand, Uzbekistan

The risk factors for the occurrence, clinical features, diagnosis and treatment of cephalohematomas were studied in 60 sick children treated in the department of Neurosurgery of the Multidisciplinary clinic of the Samarkand State Medical University in the period 2020-2023. The main reasons for the formation of cephalohematomas were the duration of the strained period of labor, the use of a vacuum extractor during childbirth, cesarean section and the presence of extragenital pathology in mothers. In the clinical course of patients with cephalohematomas, no gross focal or general cerebral symptoms were noted. Neurosonography, craniography and computer tomography were used to diagnose cephalohematomas. The main methods of treating cephalohematomas were single or repeated suction (puncture aspiration) of the subperiosteal liquid hematoma and removal of hematoma clots by dissecting the skin and soft integument, and for ossified hematomas, an operation is performed to remove hematomas with an external ossified plate.

**Муаммонинг долзарблиги.** Ҳозирги замонда тиббиётнинг, шу жумладан, нейрохирургия, акушер-гинекология ва неонатология сингари тиббиётнинг муҳим йўналишларнинг долзарб муаммоларидан бири кефалогематомалар ҳисобланади. Гарчи, ҳомиладорлик ва чақалоқнинг дунёга келиши меъерий физиологик жараён ҳисоблансада, ушбу босқичларда турли асоратлар кузатилиб туради. Асоратлар қаторига турли хил туғруқ травмалари ва улар орасида кефалогематомалар ҳам кўп ҳолларда кузатилади ва муҳим аҳамият касб этиб, чақалоқлар аклий ва жисмоний ривожланишларига салбий таъсир этиши мумкин [1, 2, 6]. Сўнгги йилларда чоп этилган илмий мақолаларда эфирроф этилишича кефалогематомаларнинг чақалоқлар орасида учраши 1-4% ни ташкил қилади [1, 2, 4, 10].

Кефалогематомалар чақалоқларнинг кўпроқ тепа ва энса соҳаларида, суяк пардаси остига ҳар хил ҳажмли қон қуйилиши ва тўпланиши билан характерланади. Кефалогематомаларнинг пайдо бўлиш механизми ҳанузгача ноаниқ. Кейинги илмий тадқиқотлар натижаларига кўра уларнинг пайдо бўлишига асоратли кечувчи туғруқлар, аёлда кучаниш жараёнининг чўзилиши, ҳомила туғилишида вакуум-экстрактор, кесар-кесиш операцияси қўлланиши, киндикнинг бўйинга ўралиб қолишлари сабаб бўлади [1, 2, 7, 9, 11].

Аммо, шуни таъкидлаш ўринлики, кефалогематомалар туғруқнинг меъёрий кечишида ҳам учраб туради [4, 8]. Сўнгги йилларда туғруқ вақтида оғриқсизлантириш мақсадида эпидурал анальгезиялар кенг қўлланилаётганлигининг ҳам кефалогематомалар шаклланишига алоқадорлиги ҳақида маълумотлар пайдо бўлмоқда [3, 5, 8, 10].

Юқорида қайд этилган маълумотлар кефалогематома касаллигининг келиб чиқиш сабаблари, клиник манзараси, кечиктирмасдан диагноз қўйиш ва даволаш сифатини ошириш масалалари бўйича илмий изланишларни давом эттириш зарурлигини англатади.

**Тадқиқот ўтказишдан мақсад.** Фарзандлари кефалогематома билан туғилган оналарнинг ҳомиладорлик ва туғруқ жараёни анамнези, кефалогематомага учраган чақалоқларда касалликнинг кечиши, диагностикаси ва даволаш усуллари натижаларини таҳлил қилиш ҳисобланади.

**Материал ва текшириш усуллари.** Самарқанд давлат тиббиёт университети Кўп тармоқли клиникасининг нейрохирургия бўлимига Самарқанд шаҳри, Самарқанд вилояти ва қўшни вилоятлар туманларининг туғруқхоналарида туғилиб, кефалогематома ташҳиси билан 2020-2023 йилларда даволанган 60 та чақалоқ оналарининг ҳомиладорлик даври ва чақалоқ туғилишига оид анамнез, чақалоқларда кефалогематоманинг клиник-неврологик кечиш хусусиятлари, нейросонография, эхо-энцефалоскопия, кўрсатмага биноан ўтказилган бош мия мультиспирал компьютер томография текширувлари ва касалликни даволаш усуллари натижалари ўрганилди.

**Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили.** Чақалоқлар клиник-неврологик текширувлардан ўтказилганда уларнинг марказий нерв системаси зарарланишларига оид ўзгаришлар – умумий бош мия, ўчоқли, менингеал симптомлар, бош мия нервлари иннервациясига оид муаммолар аниқланмади. Маҳаллий кўриқдан ўтказилганда бошнинг тепа-энса соҳаларида бўртиб турган бир, баъзан, икки томонлама ҳосила, пальпация қилинганда маълум даражада таранглашганлик, баъзан тери остида флюктация аниқланди.

Ҳомиладорлик даври ва туғруқ жараёни кечишига тегишли 60 та оналар анамнези йиғилганда уларнинг 36 тасида (60,0% ) экстрагенитал касалликлар, 29 тасида (48,33%) юрак қон-томир касалликлари: вегето-томир дистонияси- 16 (26,67%), митрал клапан етишмовчилиги – 3 (5,0%), анемия – 4 (6,66%), тромбоцитопения – 6 (10,0%) ва сурункали пиелонефрит – 7 (11,67%) аниқланди. 60 та ҳомиладор онанинг 16 тасига (26,67%) туғруқ жараёнида эпидурал анальгезия қўлланилган ва 15 тасига (25,0) жарроҳлик операциялари: Киви аппаратида вакуум-экстракт – 8 (13,34%), зудлик билан ўтказилган кесар-кесиш – 3 (5,0%), режали тарзда бажарилган кесар-кесиш 4 (6,66%) амалга оширилган (1-жадвал).

Назоратимиздаги 60 та чақалоқларга туғилгандан кейинги иккинчи кунда “Кефалогематома” диагнози қўйилди, уларнинг 41 тасида (68,33%) суяк усти пардаси ости-

1 жадвал.

**Чақалоқларнинг оналарида мавжуд бўлган экстрагенитал касалликлар ва туғруқ жараёнида қўлланилган жарроҳлик операцияларига боғлиқ кефалогематомаларнинг кузатилиш миқдори**

Экстрагенитал касалликлар ва туғруқда қўлланилган жарроҳлик усуллари	Кефалогематома билан туғилган чақалоқлар сони
Вегето-томир дистониялари	16 (26,67%)
Митрал клапан етишмовчилиги	3 (5,0%)
Анемия касаллиги	4 (6,66%)
Тромбоцитопения	6 (10,0%)
Сурункали пиелонефрит	7 (11,67%)
Эпидурал анальгезия	16 (26,67%)
Киви аппаратида вакуум-экстракт	8 (13,34%)
Зудлик билан ўтказилган кесар-кесиш	3 (5,0%)
Режали ўтказилган кесар-кесиш	4 (6,66%)

га қон қуйилиш биринчи даражаси (кефалогематома ҳажми 4 см гача), 19 (31,67%) тасида қон қуйилиш иккинчи (кефалогематома ҳажми 5-6 см) даражали ҳисобланди.


Кефалогематомалар локализациясига биноан кўпроқ калланинг тепа - 37 (61,66%) ва энса – 23 (38,34%) соҳаларида жойлашиб, чақалоқларнинг барчаси ўз вақтида туғилган (Апгар шкаласи 7-8 балл) ва 5-куни уйига қониқарли аҳволда жавоб берилган.

Нейросонография, эхо-энцефалоскопия, кўрсатмаларга мувофиқ ўтказилган бош мия компьютер томографияларида ҳам бош мияга тегишли хавотирли аломатлар аниқланмади.

Мисол тарзида СамДТУ клиникасининг нейрохирургия бўлимида жарроҳлик усулида даволанган бемор Э.Ф. 03.08.2023 йилда туғилган чақалоқнинг тиббий баёнидаги (№ 12301/971) маълумотларни келтирамиз.

Бемор клиниканинг нейрохирургия бўлимида 2023 йилнинг 2023 йил 12-18 сентябрь кунлари текширишлардан ўтказилди ва даволанди. Беморнинг онаси сўзича чақалоқнинг чап тепа соҳасида шиш борлиги, инжиклиги, умумий ҳолсизлик сабабли шифохонага ётқизилган.

Бемор чақалоқ онасининг сўзига кўра чақалоқ туғилганидан буён касал деб ҳисобланди. Касаллик сабабини аниқ бир сабаб билан боғлай олмайди. Бемор яшаш жойида невропатологлар назоратида консерватив даво муолажаларини олган, аммо шиш йўқолмаганлиги сабабли бош мия мультиспирал компьютер томография текшируви ўтказилиб (1-расм) жарроҳлик усулида даволаш учун нейрохирургия бўлимига ётқизилган.



1 расм. Бемор Э.Ф.нинг операциядан олдинги бош мияси мультиспирал компьютер томографияси.

Беморнинг умумий аҳволи қониқарли. Тери қопламлари оқимтир. Тери ости ёғ қавати ёшига мос ривожланган. Нафас олиши эркин. Ўпкасидан везикуляр нафас эшитилади. Юрак тонлари аниқ. Пулс 1 минутда 112 марта. Қорни юмшоқ, оғриқсиз. Иштаҳаси сустрлашган.

Ҳуш ҳолати – равшан. Умумий мия симптомлари кузатилмайди. Менингиал симптомлар йўқ. Бош мия нервлари иннервациясида ўзгаришлар аниқланмайди. Қўл ва оёқларида ҳаракат ва сезги функциялари бузилмаган. Пай рефлекслари: D=S. Маҳаллий кўрикда калла суяги чап тепа соҳасида қаттиқ консистенцияли шиш аниқланади.



А.

Б.

2 А ва 2 Б расмлар. Бемор Э.Ф. га оссификациялашган кефалогематома касаллигига тегишли ўтказилган операциянинг босқичлари.

Диагноз: Чап тепа соҳасидаги оссификациялашган кефалогематома. Беморга режали равишда 2023 йил 13 сентябрь куни калла гумбази чап тепа соҳасидаги оссификациялашган кефалогематомани олиш операцияси амалга оширилди. (2А ва 2Б расмлар)

Операция ўтказилгандан кейин бир ҳафта ўтгач бемор

невропатолог, педиатр назоратлари тавсия этилиб уйига жавоб берилди. Бир ойдан сўнг бажарилган бош миянинг назорат мультиспирал компьютер томографиясида калла суяклари ва бош мия структураларига тегишли ўзгаришлар аниқланмади (3-расм).


**Хулоса.** Шундай қилиб, юқорида қайд этилган сабаблар кефалогематомаларнинг шаклланишини узил-кесил асослай олмасда кефалогематомалар вужудга келишида уларнинг маълум даражада улуши бўлиши аниқ. Аммо, улар орасида ҳомиладор оналарнинг экстрагенитал ва юрак қон-томир касалликларига чалинганликлари, ҳомиладорлик даврида антиагрегант, антикоагулянтлар қабул қилганликлари кефалогематомалар пайдо бўлишига шароит яратади. Бундан ташқари, туғруқ жараёнида қўлланиладиган вакуум-экстрактор, “кесаркесиш” оперцияларининг ҳам кефалогематомалар ривожланишида ўз ўрни бор. Кефалогематомаларга дучор чақалоқларда клиник-неврологик текширишларда яққол ривожланган умумий бош мия, ўчоқли, менингеал симптомлар ва бош мия нервларининг иннервациясига доир ўзгаришлар аниқланмади.

Кефалогематомаларга тўғри ташхис қўйиш учун нейросонография, эхо-энцефалография, краниография ва кўрсатма асосида бош мия мультиспирал компьютер томографияси сингари қўшимча текшириш усулларини қўллаш мумкин.

Кефалогематомаларни даволашда хирургик усуллардан суяк усти пардаси остидаги лахталанмаган қонни тиббиёт шприци воситасида аспирация қилиш, қуюклашганда 1,5-2 см узунликдаги бош териси ва юмшоқ тўқималарини кесиб гематома лахталарини олиш, оссификациялашган кефалогематомаларда эса шаклланган устки суяк пластинкасини жаррохлик усулида олиб ташлаш мақсадга мувофиқдир.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Керчиляева С.Б., Кузнецова О.В. Кефалогематома как результат осложнения родов // Лечащий врач. -2016. - №4. – С. 1-5.
2. Нейман Л.Е., Титова С.В. Особенности системы гемостаза у кефалогематомами // Современные проблемы анестезии и интенсивной терапии. – Красноярск, 2014. – С. 187-192.
3. Перцева Г.М., Борщева А.А. Кефалогематома. Поиск факторов, провоцирующих ее появление // Кубанский научный медицинский вестник, 2017; 2(163): 120-123.
4. Сафронова Л.Е. Изучение факторов формирования кефалогематомы у новорожденных в современных условиях. - Челябинск, 2009.- С. 22.
5. Чернуха Е.В., Комиссарова Л.М., Ананьев Е.В. Травматические повреждения плода при кесаревом сечении и меры профилактики // Акушерство и гинекология. – 2009. - № 4. – С. 62-64.
6. Шодиев А.Ш и соавт. Особенности клинического течения и лечение кефалогематом. Материалы III съезда нейрохирургов Узбекистана. 2018. Ташкент, С. 216-217.
7. Jui-Shan Ma. Meningitis Complicating Infected Cephalohematoma Caused by Klebsiella pneumoniae- Case Report and Review of the Literature // Research Journal of Clinical Pediatrics. 2017; 1(3): 1-2.
8. Paul S.P., Edate S., Taylor T.M. Cephalohematoma- A begin condition with serious complications: case report and literature review // Infant. 2009;5 (5); 146-148.
9. Wang JF, Lederhandler MH, Oza VS. Escherichia coli-infected cephalohematoma in an infant. Dermatol Online J. 2018 Nov 15;24(11):13030/qt456083v1. PMID: 30695981.
10. Wen Q., Murac G. M., Ting J. et all. Temporal trends in severe material and neonatal trauma during child birth: a population- based observational study// BMJ Open. 2008; 8: e 020578. DOI: 10. 1136/ bmiopen- 2017-020528.
11. Zimmermann P, Duppenhaler A. Infected cephalhaematoma in a five-week-old infant - case report and review of the literature. BMC Infect Dis. 2016 Nov 4;16(1):636. doi: 10.1186/s12879-016-1982-4. PMID: 27814688; PMCID: PMC5097353.



3-расм. Бемор Э.Ф. нинг операциядан 1 ой кейинги бош миянинг назорат мультиспирал компьютер томографияси.

**СПОРТИНГ ТАЭКВОНДО ТУРИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИЛАРДА ЭМОЦИОНАЛ СФЕРА БУЗИЛИШЛАРИ ВА УЛАРНИНГ КОРРЕКЦИЯСИ****Г. Ҳ. Эрнаева**

Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази, Тошкент, Ўзбекистон

**Таянч сўзлар:** тиббий-психологик ёрдам, хавотирли бузилиш, психоэмоционал ҳолат, психодиагностика, агрессия.

**Ключевые слова:** медико-психологическая помощь, тревожное расстройство, психоэмоциональное состояние, психодиагностика, агрессия.

**Key words:** medical and psychological assistance, anxiety disorder, psychoemotional state, psychodiagnostics, aggression.

Ушбу мақола малакали спортчиларнинг мусобақадан олдинги спорт машғулотларида эмоционал сферанинг хусусиятларини таҳлил қилиш, психоэмоционал бузилишлар даражаларини аниқлаш, стрессли вазиятларда мураббий ва спортчи фаолиятини эмоционал жиҳатдан эмоцияларини бошқаришга тиббий-психологик ёрдам беришга қаратилган. Спортчининг мусобақа олди ҳиссий таранглик даражасини аниқлаш ва коррекциялаш тўғрисидаги ушбу мақола спортчиларни мусобақага тайёрланиш тизимини янада кучайтишига, мусобақа олди эмоцияларини, бошқараолишига, стрессга турғунлигини орттишига ва ўз навбатида мусобақа самарадорлигига ижобий таъсир кўрсата олишига қаратилган.

**НАРУШЕНИЯ ЭМОЦИОНАЛЬНОЙ СФЕРЫ У УЧАСТНИКОВ ТХЭКВОНДО И ИХ КОРРЕКЦИЯ****Г. Х. Эрнаева**

Республиканский научно-практический центр спортивной медицины, Ташкент, Узбекистан.

Настоящая статья направлена на анализ особенностей эмоциональной сферы в предсоревновательной спортивной подготовке квалифицированных спортсменов, определение уровней психоэмоциональных нарушений, оказание медико-психологической поддержки эмоциональному управлению деятельностью тренера и спортсмена в стрессовых ситуациях. Данная статья по определению и коррекции уровня эмоционального напряжения спортсмена перед соревнованиями направлена на усиление системы подготовки спортсменов к соревнованиям, управление их предсоревновательными эмоциями, повышение их стрессоустойчивости и, в свою очередь, может иметь положительное влияние на результаты соревнований.

**EMOTIONAL DISTURBANCES IN TAEKWONDO PARTICIPANTS AND THEIR CORRECTION****G. Kh. Ernaeva**

Republican Scientific and Practical Center for Sports Medicine, Tashkent, Uzbekistan.

This article is aimed at analyzing the features of the emotional sphere in the pre-competitive sports training of qualified athletes, determining the levels of psycho-emotional disorders, providing medical and psychological support to the emotional management of the coach and athlete in stressful situations. This article on determining and correcting the level of emotional stress of an athlete before competitions is aimed at strengthening the system of preparing athletes for competitions, managing their pre-competitive emotions, increasing their stress resistance and, in turn, can have a positive impact on the results of competitions.

Бугунги кунда дунё бўйича психоэмоционал сфера бузилишлари меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли ўртасидан спортчиларда энг кенг тарқалган эмоционал патологиялардан бўлиб, охириги йилларда спорт соҳасидаги энг долзарб бўлган муаммолардан бири бўлиб келмоқда. Спортчиларнинг психологик тайёргарлигининг етарли даражада юқори бўлмаганлиги мусобақа фаолиятининг самарадорлиги ва ишончилигини чеклайди, уларнинг чиқишлари ва натижаларига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди [2,5].

